

## ОИЛАДА ЎСМИР ЁШЛАРНИ МАМЛАКАТНИНГ ИЖТИМОЙ-СИЁСІЙ ҲАЁТИГА ЖАЛБ ҚИЛИШДА МАҲАЛЛА ИНСТИТУТИНИНГ ЖАМИЯТДАГИ РОЛИ

**Салоҳиддинова Ғазалхон Бекмирзаевна**

Алфраганус университети, Педагогика ва психология, кафедраси катта ўқитувчиси

### ARTICLE INFO.

**Таянч сўзлар:** ижтимоий-сиёсий фаоллик, истеъдодли ёшлар, ёшлар билан ишлаш механизми, маҳалла фаолияти, ёшларга оид давлат сиёсати дастури, Учинчи Ренессанс.

### Аннотация

Ушбу мақолада оилада ўсмир ёшларни мамлакатнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётига жалб қилишда Маҳалла институтининг ёшларни бўш вақтини мазмунли ташкил этиш, ёшлар билан ишлашнинг янгича бошқарув механизмларини жорий этиш, ўсмир ёшларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ривожлантириш жараёни, ёшларга оид давлат сиёсати доирасида амалга оширилиши ва ёшларнинг ўзини самарали англаши учун имконият ва шарт-шароитлар яратиш масалалари ҳақида сўз юритилади.

<http://www.gospodarkainnowacje.pl/> © 2025 LWAB.

### Кириш

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 21 декабрдаги “Маҳалла институтининг жамиятдаги ролини тубдан ошириш ва унинг аҳоли муаммоларини ҳал этишда биринчи бўғин сифатида ишлашини таъминлашга қаратилган чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-209-сонли Фармонида

Ёшлар етакчисининг асосий вазифалари сифатида қуйидагилар қайд этилган [6]:

1. Маҳаллаларда ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш, жумладан, уларни “Беш ташаббус олимпиадаси”да иштирок этишга жалб этиш. (*Ҳар ойда камида 20 нафар ёшларни спорт, мусиқа ва фан тўғаракларига жалб этади. Ҳафтада бир мартаба спорт мусобақалари, мусиқа ва рақс танловларини ташкил этади*).
2. Ишсиз ёшлар ва мактаб битирувчилари бандлигига қўмаклашиш, жумладан, “Ёшлар бандлиги дастури”ни маҳаллада амалга ошириш. (*Маҳаллада ишсиз ёшлар ва мактаб битирувчиларининг рўйхатини шакллантиради ва ҳоким ёрдамчиси билан биргаликда уларнинг бандлигини таъминлайди. Ҳар ойда бир мартаба мактабнинг битирувчи синф ўқувчилари билан учрашиб, олий таълим муассасаси ва мутахассислик йўналишини танлаш ҳамда кириш имтиҳонларига тайёргарлик кўришига ёрдам беради*).
3. Давлат кўмагига муҳтож “оғир” тоифадаги ёшларнинг ҳаётда ўз ўрнини топишларига қўмаклашиш. (*Маҳаллада “оғир” тоифадаги ёшларнинг яшаш манзили ва иш жойига ҳар ойда камида бир мартаба бориб, бириктирилган раҳбарлар билан биргаликда ҳаётда ўз ўрнини топишига қўмаклашади*).
4. Ҳуқуқбузарлик содир этишга мойиллиги бўлган ёшлар билан, шунингдек, профилактика

инспектори билан биргаликда ҳуқуқбузарлик содир этишга мойиллиги бўлган вояга етмаганлар билан тизимли ишлаш. *(Ҳуқуқбузарлик содир этишга мойиллиги бўлган ёшлар ва вояга етмаганларни ҳар бири билан индивидуал ишлайди).*

5. “Ёшлар дафтари”га киритилган ёшларнинг муаммоларини ҳал этиш, жумладан, ёшларга кўрсатиладиган 30 та ёрдам турларидан самарали фойдаланиш. *(Ҳар чоракда бир мартаба ёрдам кўрсатилган ёшларнинг уйига бориб, лойиҳаларини амалга оширишга кўмаклашади).*

6. Хориждаги ватандош ёшлар билан ишлаш ва уларни қўллаб-қувватлаш. *(Ҳар ойда камида бир мартаба хориждаги ёш ватандошлар билан мулоқот қилиш орқали уларнинг фаолиятини ўрганади ҳамда Ватанга қайтиб фаолиятини юритиши учун “маҳалла еттилиги” билан зарур чораларни кўради).*

7. Иқтидорли ёшларни излаб топиш, истеъдодини рўёбга чиқариш ва уларни қўллаб-қувватлашга кўмаклашиш. *(Ҳар ойда камида 1 нафар иқтидорли ёшларни аниқлайди, истеъдодини рўёбга чиқариши бўйича улар билан индивидуал ишлайди, мавжуд ёрдам турлари орқали уларни қўллаб-қувватлаш чораларини кўради).*

8. Ёшлар ўртасида китобхонликни кенг тарғиб қилиш, жумладан, ёшлар етакчисининг ўзи ҳар ойда камида 1 та китоб мутолаа қилиш орқали шахсий намуна кўрсатиши. *(Ҳар чоракда камида бир мартаба маънавият, маданият ходимлари, ёзувчи ва шоирларни жалб қилган ҳолда ёшлар ўртасида китобхонликка оид тадбирларни ташкил этади).*

9. Шахсий ривожланиш мақсадида, жумладан, “Ибрат фарзандлари” лойиҳаси доирасида камида 1 та хорижий тилни мукамал ўрганиш. *(Маҳалла ёшларини хорижий тилларни ўрганишга доимий қизиқтириб боради).*

### Методология

Ёшлар билан ишлашнинг янгича бошқарув механизмларини жорий этиш, улар билан ишлашнинг вертикал тизимини яратиш, ёшлар муаммоларини бевосита маҳаллаларда ҳал этиш, таълим муассасаларида маънавий-маърифий ва тарбиявий ишларнинг самарадорлигини янада оширишда маҳаллалардаги ёшлар етакчиларининг алоҳида ўрни бор.

Ҳар бир давлатнинг барқарор тараққиётини таъминлашда асосий пойдевор ёшлар ва уларнинг интеллектуал салоҳияти ҳисобланади. Шу нуқтаи назардан, мамлакатимиз аҳолисининг катта қисми замонавий билим ва кўникмаларга эга ёшлардан иборат эканини инобатга олган ҳолда, мазкур қатламнинг ижтимоий-иқтисодий ва бошқа соҳалардаги манфаатини ҳимоя қилиш ҳамда кузатилаётган долзарб масалаларнинг назарий ва амалий жиҳатдан ечимини топиш кун тартибидаги муҳим вазифадир.

Ёш авлод келажаги эса ҳаминша Ўзбекистон сиёсатининг марказида бўлган. Бугун ҳам юртимизда юзага келган муаммоларни бартараф этиш, ёшларнинг камолоти ва тарбиясига ижобий таъсир қилувчи шарт-шароит яратиш учун барча соҳада кенг қўламли ислоҳотлар жадаллик билан олиб борилмоқда.

### Натийжа ва Муҳокама

Президентимизнинг “Биз ўз олдимизга мамлакатимизда Учинчи Ренессанс пойдеворини барпо этишдек улуғ мақсадни қўйган эканмиз, бунинг учун янги Хоразмийлар, Берунийлар, Ибн Синолар, Улуғбеклар, Навоий ва Бобурларни тарбиялаб берадиган муҳит ва шароитларни яратишимиз керак. Бунда, аввало, таълим ва тарбияни ривожлантириш, соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, илм-фан ва инновацияларни тараққий эттириш миллий ғоямизнинг асосий устунлари бўлиб хизмат қилиши лозим”, деган сўзлари ёшлар учун катта марралар сари йўл очди [7]. Ўтган даврда ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш мақсадида қатор ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар ишлаб чиқилди. Улар асосида ёшларнинг интилиш ва иқтидорини қўллаб-

кувватлаш, рағбатлантиришга оид раҳбар кадрларнинг бошқарув салоҳиятини юксалтириш бўйича мустаҳкам тизим яратилди.

Ёшлар тўғрисидаги зарур маълумотларни “Ёшлар дафтари” ва “Ёшлар портали” электрон платформаларига киритиб бориш, улар билан самарали ишлаш, ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш, ижтимоий фаоллигини ошириш, иқтидори, истеъдоди ва ташаббусини рағбатлантириш ҳамда ҳаётда ўз ўрнини топишига кўмаклашиш етакчиларнинг асосий вазифаси сифатида қайд этилди. Навқирон авлодни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, уларнинг интеллектуал жиҳатдан камол топиши ва маънавий ривожланишини таъминлаш, ҳуқуқбузарлик содир этишга мойиллиги бўлган ёшлар билан тизимли ишлаш вазифаси юклатилди.

Шунингдек, етакчиларнинг ўзига бириктирилган маҳаллаларда мақом, бахшичилик ва эстрада бўйича танловлар, “Камалак юлдузлари” болалар ижодиёти фестивали, саломатлик учун 5 000 қадам юриш марафони ҳамда “Ёш эколог” аксиясини ўтказиши, шу билан бирга, мини футбол, волейбол, баскетбол, стол тенниси, велоспорт, югуриш, шахмат, шашка, бадминтон, камондан отиш бўйича мусобақаларини ташкил этиши зарурлиги таъкидланди.

ЮНИСЕФ, Ёшлар иттифоқи ҳамда “Юксалиш” умуммиллий ҳаракати томонидан ўтказилган ва “Ўзбекистон ёшлари: муаммо ва истиқболлар” деб номланган йирик тадқиқот натижалари асосида тайёрланган ҳисоботда Ўзбекистон 15-20 йилдан сўнг ноёб демографик дивидендни қўлга киритиши таъкидлаб ўтилган.

2048-йилга бориб мамлакатда меҳнатга лаёқатли аҳоли сони тарихий юқори даражага етиши кутилмоқда. Табиийки, уларнинг салмоқли қисмини ёшлар ташкил қилади. Ҳозир давлат олдидаги асосий вазифа демографик дивидендни қўлдан бой бермаслик ҳамда ундан максимал фойдаланишдан иборат. Бошқача айтганда, ҳукумат инсон капиталига, яъни ёшларнинг сифатли таълим олиши ва интеллектуал салоҳиятини рўёбга чиқаришга катта ҳажмда инвестиция киритиши зарур. Бу келажакда нафақат иқтисодий юксалтириш, балки ижтимоий вазиятни барқарорлаштириш — камбағаллик ва салоҳиятли кадрлар миграциясини қисқартириш, ишсизликни бартараф этиш, халқнинг турмуш даражасини ошириш имконини беради.

Маълумотларга кўра, ўқишни битиргач, уйда ўтириб қолаётган ёшлар орасида аёллар салмоғи анча юқори — 51 фоиз. 18 ёшдан кейин мазкур кўрсаткич янада ортиб, 74 фоизга етмоқда. Бунинг сабаби қизлар оила юмушлари билан машғуллиги ҳамда даромад топиш учун бошқа жойга кўчиб ўтиш имконияти чеклангани билан изоҳланади.

Қишлоқ ёшлари шаҳарликларга қараганда олий таълим муассасаларига камроқ ўқишга киради. Шу боис, уларда тадбиркорликка қизиқиш юқори. Мамлакатимизда стартап лойиҳаларга қишлоқ ёшлари қўл урмоқда. Аёллар, асосан, соғлиқни сақлаш, таълим ва қайта ишлаш саноатида банд. Эркаклар орасида нисбатан оммалашган касблар қурувчилик ва фермерлик ҳисобланади.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, ёшлар билан мулоқот фақат идораларда ёки мактабларда бўлмайди. Мулоқотни узвий равишда йўлга қўйиш учун, биринчи навбатда, ёшлар ичига кучок очиб кириб бориш талаб этилади. Айнан мана шундай шароитда ёшлар етакчисига зарурат сезилади.

Бугунги кунда мамлакатимизда 9400 дан ортиқ маҳалла фуқаролар йиғинлари фаолият юритади. Энди тасаввур қилинг, ушбу маҳаллаларнинг ҳар бирида етакчиларнинг бўлиши мавжуд вазиятни қанчалик енгиллаштиради? Ўйлашимизча, улар ҳукумат ва ёшлар орасидаги масофани янада яқинлаштиради, ўғил-қизлар билан ишлашнинг янгича усулларини ишлаб чиққан ҳолда жамият ривожини учун улкан ҳисса қўшади.

Ёшлар етакчиси таълим-тарбия жараёнини самарали ташкил этишда турли муассасалар ҳамда ёшлар ўртасидаги муносабатларни мустаҳкамлаш, уларнинг турли жараёнларга мослашувига кўмаклашади. Йигит-қизларга услубий, ижтимоий ва психологик ёрдам кўрсатган ҳолда Ватанга

муҳаббат ҳиссини оширади. Шу билан бирга, ёшларнинг бўш вақтини самарали ташкил этиш бўйича мунтазам таҳлил қилиб боради ва иш сифатини оширади. Шунингдек, уларнинг ижтимоий аҳволидан доимий хабардор бўлиб туради.

Ёшлар етакчиси, ўз навбатида, давлат билан тенгқурлари ўртасидаги воситачига айланади. У ёшларнинг манфаати ва муаммоларини таҳлил қилади. Уларнинг мавжуд қобилиятидан келиб чиқиб, тўғри мақсад сари йўналтиради. Шунингдек, салоҳиятини ривожлантиришнинг индивидуал йўналишини излаб топади. Зеро, ёшлар етакчиси сифатида фаолият юритувчи кадрлар ёшларнинг таълимга нисбатан қизиқишини аниқлаш ва қўллаб-қувватлашга қаратилган тадбирларни ишлаб чиқади. Уларнинг ташаббусини амалга оширишга ёрдам беради. Ёшларнинг ўқиши ва таълимдаги ютуқларини лойиҳалаштириш, таҳлил қилиш ва тақдим этишга кўмаклашади. Ёшлар билан уларнинг ютуқ ва қийинчиликларини, турли жойларда ва турли тадбирларда амалга ошириладиган фаолиятнинг қай даражада самарадорлигини, синов ҳаракатларида самарали ишлашга таъсирини таҳлил қилувчи тадбирларни ўтказди.

### Хулоса

Мамлакатимиз аҳолисининг 60 фоиздан ортиғини ёшлар ташкил этишини инобатга олсак, юртимизда олиб борилаётган ислохотлар мазмун жиҳатидан бевосита уларга нақадар дахлдор эканини англаймиз. Зеро, ҳар бир жамиятнинг, унда яшайдиган инсонларнинг тақдири ва келажаги, албатта, давлатнинг етакчи кучи ҳисобланмиш ёшлар тарбияси билан чамбарчас боғлиқдир.

### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти, “Фуқаролик жамияти институтларини ривожлантиришга кўмаклашиш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ПҚ-2085-сон қарори, Dec. 12, 2013. [Online]. Available: [www.lex.uz](http://www.lex.uz)
2. G. B. Salohiddinova, “The Role of Mahalla Civil Society Institutes in Increasing the Youth’s Social Activeness in the Family,” *The American Journal of Social Science and Education Innovations*, vol. 2, no. 11, pp. 512–515, 2020.
3. G. B. Salohiddinova, “Social Pedagog’s Responsibilities in Cooperation with a Family to Increase Child Sociability,” *Достижения науки и образования*, no. 19(41), 2018. [Online]. Available: <https://scientifictext.ru>
4. U. A. Abdullazhonovna, *Ўзбекистон ёшларини ижтимоий фаоллигини шакллантиришнинг сиёсий-психологик асослари*, Monograph, 2020.
5. T. S. Rappaport et al., “Millimeter wave mobile communications for 5G cellular: It will work!,” *IEEE Access*, vol. 1, pp. 335–349, 2013, doi: 10.1109/ACCESS.2013.2260813.
6. E. Macdonald et al., “3D printing for the rapid prototyping of structural electronics,” *IEEE Access*, vol. 2, pp. 234–242, 2014, doi: 10.1109/ACCESS.2014.2311810.
7. D. T. Hoang et al., “A dynamic edge caching framework for mobile 5G networks,” *IEEE Wireless Communications*, vol. 25, no. 5, pp. 95–103, Aug. 2018, doi: 10.1109/MWC.2018.1700360.
8. W. G. Hurley, T. Merkin, and M. Duffy, “The performance factor for magnetic materials revisited: The effect of core losses on the selection of core size in transformers,” *IEEE Power Electronics Magazine*, vol. 5, no. 3, pp. 26–34, Sep. 2018, doi: 10.1109/MPREL.2018.2848738.
9. A. Vaskuri et al., “Modeling the spectral shape of InGaAlP-based red light-emitting diodes,” *Journal of Applied Physics*, vol. 118, no. 20, pp. 203103-1–203103-7, Jul. 2015, doi: 10.1063/1.4936322.
10. D. Donoho, “50 years of data science,” *Journal of Computational and Graphical Statistics*, vol. 26,

no. 4, pp. 745–766, Dec. 2017, doi: 10.1080/10618600.2017.1384734.

11. D. T. Frazier and C. Drovandi, “Robust approximate Bayesian inference with synthetic likelihood,” *Journal of Computational and Graphical Statistics*, vol. 30, no. 4, pp. 958–976, Mar. 2021, doi: 10.1080/10618600.2021.1875834.
12. H. Straub and O. Breitenstein, “Estimation of heat loss in thermal wave experiments,” *Journal of Applied Physics*, vol. 109, Mar. 2011, Art. no. 064515, doi: 10.1063/1.3549734.
13. E. P. Wigner, “On a modification of the Rayleigh–Schrodinger perturbation theory,” *Mathematische Naturwissenschaftliche Anzeiger Ungarische Akademie der Wissenschaften*, vol. 53, p. 475, 1935.
14. G. P. Luth, “Chronology and context of the Hyatt Regency Collapse,” *Journal of Performance of Constructed Facilities*, vol. 14, no. 2, pp. 51–61, 2013.